

## ҚУТЛУҒ БАЙРАМДА ОРЗУЛАР УШАЛДИ

Давлатимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрами арафасида вилоятимиздан 10 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслар Президентимизнинг фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Вилоят ҳокимлигига уларга идентификацион карта (ID-карта)лар тантанали топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Президентимизнинг ташабbusи билан минглаб инсонларнинг ватанли бўлиш, Ўзбекистонда тенг хуқуқли яшаш, ўз уйидаги доимий рўйхатдан ўтиш нияти амалга ошганлигини қайд этиб, бугун улар баҳтиёр кайфиятда юртимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилаётганлигини таъкидлади. Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганларни ҳаётларидағи муҳим кун билан табриклаб, юртимиз равнақи йўлида янада фидойилик билан меҳнат қилишларига ишонч билдирилди.

Президентимизнинг тегишли фармонларига асосан 2016 йилдан 2024 йилнинг август ойига қадар Фарғона вилояти худудида доимий яшовчи 3390 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган. 2020 йил 13 марта Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинниб, унга асосан фуқаролиги бўлмаган шахсларни белгиланган тартибида Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш институти жорий қилинди. Унга асосан 5413 нафар Фарғона вилояти худудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганлар номидан сўзга чиққанлар бундай юксак инсоний эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдириди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг

[Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

1 / 1